

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ ЖАРАЁНИДА ЕТАКЧИ КУЧДИР

Хидиралиев К., ГулДУ г.ф.н. Араббоев П., ГулДУ талабаси

Бугунги глобаллашув жараёни бевосита ва билвосита Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон жаҳон сиёсий харитасида, Осиё қитъасининг марказида янги мустақил давлат сифатида тобора халқаро ҳамжамиятни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлари доирасида эътиборини тортмоқда. Зеро, биз танлаган тараққиёт йўли конституцион асосга эга. Бу йўл Ўзбекистондаги барча аҳоли манфаатларига ҳар жиҳатдан мос келади. Айнан шундай йўл ўзбекистонликларнинг муносиб турмуш кечириши учун кафолат бўла олади, миллий анъаналар ва маданиятнинг ривожланишини, маънавий-ахлоқий қадриятларнинг қайта тикланишини таъминлайди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек “Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир”.

Шундай бир шароитда, миллий қадриятлар етакчи куч бўлиб майдонга чиқиши лозим. Миллий қадриятлар - муайян халқнинг тарихий тараққиёти давомида вужудга келган, унинг миллий ўзлиги, эътиқоди, дунёқараши ва турмуш тарзини акс эттирадиган, ижтимоий қиммати билан ҳаётий заруратга айланиб қолган урф-одат, анъана ва тамойиллардир. Миллий қадриятларни ўз онгига тўғри сингдира олган шахсни тарбиялаш ва бу шахсни демократик жамият қуриш жараёнидаги иштирокини тўлиқ таъминлаш долзарб вазифа ҳисобланади.

Миллий қадриятларни ўз онгига сингдирган ва шу асосида шаклланаётган шахс қуйидагиларни ўзида тўлиқ мужасамлаштирсагина, у халқ ва жамият учун керакли бўлган нарсани қилади ва бера олади:

- халқимиз ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳининг устунлиги;
- жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги;
- ота-она, маҳалла-кўй, умуман, жамоатга юксак ҳурмат-эътибор;
- миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат;
- каттага ҳурмат ва кичикка иззат;
- меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт абадийлигининг рамзи-аёл зотига эҳтиром;
- сабр-бардош ва меҳнатсеварлик;
- ҳалоллик, меҳр-оқибат ва ҳоказо.

Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Халқимиз сарчашмаларининг кўзлари қайтадан очилганлиги, жаҳон маданияти ютуқларига зўр ҳисса қўшган буюк аجدодларимизнинг маданий ва маънавий мероси теранлиги ва чуқурлиги англаб олинганлиги, ҳар бир авлоднинг ўз ўтмишига, олижаноб миллий ва диний анъаналарига ҳурмат билан қараш, уларни асраб-авайлаш руҳида тарбияланаётганлиги, айтиш чоғда ҳозирги замон цивилизацияси ва маънавиятини ўзлаштириш ва уларга ошно бўлиш зурурилиги равшан англаб етилганлиги шуларнинг ҳаммаси ҳаётбахш бир омилдирки, бизнинг янгиланиш ва халқимизнинг миллий ўзлигини англашини ошириш, аҳолининг маънавий етуклиги ва фаоллигини кучайтириш борасидаги сиёсатимиз ана шу заминга таянади.

Ўзбекистон заминида яшаётган шахс дунёқараши нафақат миллий қадриятларни ўзига сингдириши, шу билан бирга умумбашарий қадриятларни ҳам ҳурмат қилиши, унга амал қилиши лозим. Шундагина у дунёни англайди, дунёга теран фикрлаш асосида боқади. Ушбу жараёнда миллий қадриятлар халқнинг ўзлигини сақлаш, ўзига хос турмуш тарзига амал қилиб яшашда бекиёс аҳамият касб этса, умумбашарий қадриятлар бошқа

халқлар билан дўст-иноқ бўлиб яшаш, уларнинг тажрибасини ўрганиш, жаҳон ҳамжамияти билан бирга кадам ташлашда алоҳида ўрин тутди. Миллий қадриятлар замирида бир халқнинг тарихий анъаналари, турмуш тарзи ва ҳаётий қарашлари мужассам бўлса, умумбашарий қадриятлар бутун инсониятга хос тараққиёт тажрибаларини ифода этади.

Юксак маънавийли шахсни тарбиялашда, миллий қадриятларнинг туб моҳиятини англаш ва унга амал қилишда Президентимиз асарларидан кенг доирада фойдаланиш лозим. Президентимиз И.А.Каримов такидлаганларидек-“Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмда унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур”.

Соғлом иммунитетга эга бўлмаган одам соғлом эътиқод ва дунёқарашдан ҳам маҳрум бўлади. Ундай кишилар яхши билан ёмоннинг, дўст билан душманнинг фарқига бормайди. Халқ ва Ватан манфаатлари улар учун бефарқ. Ушбу асосда қарайдиган бўлсак, чуқур билим, теран фикр халқимиз, айниқса, ёш авлодлар учун йўлчи юлдуз бўлиши лозим. Билимли одам сохта мафкуравий оқимлар ва бошқа шаклдаги зарарли мафкуравий таъсирларга берилмай, инсониятнинг синалган тарихий тажрибалари, энг аввало, ўз аجدодларининг анъаналари йўлидан боради, ҳар қандай жозибали ғоялар билан ниқобланган жаҳолатга қарши маърифат билан курашади.

Бағрикенглик ва анъаналар - цивилизациялашган бозор муносабатларини бунёд этиш, илм-фан ва технологияларни ривожлантириш, умуман фан-техника тараққиётини раванқ топтириш энг мақбул омиллар саналади. Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимизнинг моҳияти ва хусусиятлари ана шулардан иборат. Миллий қадриятларни тўғри англаб олган ва унга амал қила олган шахс бугунги кунда ҳар қандай соҳа ривожига ўзини муносиб ҳиссасини қўша олади. Бу эса мустаҳкам руҳиятни шакллантиради. Халқимизнинг руҳияти - иқтисодиёт, давлат ва жамиятни бозор муносабатлари асосида қайта қуришнинг энг муҳим таянчидир. Маънавий мустақиллик ва ўзига беклик, эзгулик, қалб саҳийлиги ва бағрикенглик халқимизга хос хусусиятдир. Бу гўзал фазилятлар янги иқтисодий ва турмуш шароитларида синовдан ўтди. Халқимизнинг энг яхши хислатлари, ўз ерига, юртига меҳр-муҳаббати, ватанпарварлиги маънавий бирликни мустаҳкамлайди.

Мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш билан халқнинг маънавияти ва руҳиятини янгилашнинг бирлиги қондирилади ўзининг ҳаётлигини тўла-тўқис исботлади. Ёш авлоднинг инсоният даҳолари бўлган аждодларимизга муносиб бўлиш йўлида тобора кучайиб бораётган интилишини ҳам янгилашнинг салмоқли якуни сифатида алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. Давлат ва жамиятнинг ёш авлод жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом бўлишига эътибори ошганлиги ислохотларнинг шарофатидир. Фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислохотларга тайёр бўлиши мумкин. Юксак маънавийли шахсни тарбиялаш ва бу шахсни демократик жамият қуришдаги иштирокида, ўзбек халқининг бутун маданий дунёда маълум ва машҳур бўлган Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодлари ижодий мероси ва ҳаёти жасоратини ҳурмат билан эсга олиш жамият турмушидаги одат ва миллий шон-шараф манбаи бўлиб қолди. Миллий қадриятларни тўлиқ англаб етган шахсгина, ўзининг мустақил фикрига эга бўлган бугунги замон бунёдкор кишисидир.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. Назаров Қ ва бошқалар. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (Олий таълим муассасалари учун қўлланма) -Т.: Янги аср авлоди, 2001.

